

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

БУРАНОВА САГДИЯНА НАСУРУЛЛАЕВНА

ОСТЕОАРТРИТДА ТОҒАЙ ОЛИГОМЕР МАТРИКСЛИ ОҚСИЛ
МИҚДОРИГА КЎРА БЎҒИМ ТУЗИЛМАЛАРИДАГИ
БУЗИЛИШЛАРНИНГ КЛИНИК ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Буранова Сагдияна Насуруллаевна

Остеоартритда тоғай олигомер матриксли оксил
микдориға кўра бўғим тузилмаларидаги
бузилишларнинг клиник хусусиятлари..... 3

Буранова Сагдияна Насуруллаевна

Клинические особенности нарушений суставных
структур в зависимости от уровня олигомерного
матриксного протеина хряща при остеоартрите..... 27

Buranova Sagdiyana Nasurullayevna

Clinical features of disorders of articular structures
depending on the level of oligomeric matrix
protein of cartilage in osteoarthritis..... 51

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ
List of published scientific works 55

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

БУРАНОВА САГДИЯНА НАСУРУЛЛАЕВНА

ОСТЕОАРТРИТДА ТОҒАЙ ОЛИГОМЕР МАТРИКСЛИ ОҚСИЛ
МИҚДОРИГА КЎРА БЎҒИМ ТУЗИЛМАЛАРИДАГИ
БУЗИЛИШЛАРНИНГ КЛИНИК ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Tib855 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедов Халмурад Садуллаевич
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар

Хамраев Абдор Асрарович
тиббиёт фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Акбар Хатамович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «25» февраль соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Форобий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (830 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2022 йил «12» февраль кuni тарқатилди.

(2022 йил «12» февраль даги 5 рақамли реестр баённомаси)



А. Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш Илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёнинг кўпгина давлатларида бўғимларнинг сурункали дегенератив-дистрофик касалликлари, шу жумладан улар қаторига кирувчи остеоартрит (ОА) оқибатида ногиронлик кўрсаткичлари тобора ортиб бормоқда. Қатор олимларнинг изланишларида «...остеоартрит барча бўғим касалликлари ичида деярли 80% улушини ташкил этиб, жаҳонда 10-12% аҳоли ундан азият чекади. Унинг кенг тарқалганлиги ва сурункали кечиши ҳамда беморлар ҳаёт сифатига салбий таъсири даволаш ва реабилитация муолажаларининг кўплаб маблағ талаб этиши билан изоҳланади...»¹ деб қайд этилган. Ҳозирга қадар ОА патогенези, ташхислаш ва даволаш билан боғлиқ бўлган масалалар ўз ечимини тўлиқ топмаганлиги туфайли ижтимоий муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда ОАни эрта даврларда аниқ ташхислашнинг ўзига хос хусусиятлари юзасидан қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада тоғай олигомер матрикс оксили (ТОМО) миқдорини ОАнинг шакли, давомийлиги ва бўғим тузилмаларидаги ўзгаришларнинг клиник хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда баҳолаш ва шу билан бир қаторда қаторда, тоғай деструкцияланишнинг эрта даврларида бу оксилнинг ўрнини аниқлаш – эрта ривожланган тоғай деструкцияланишнинг авжланиб боришини олдини олиш учун асосий даво усуллари ишлаб чиқишда алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳоли орасида турли хавфли касалликларни олдини олиш, ташхислаш ва даволаш борасида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ҳамда касалликларни профилактика қилиш...»² каби муҳим вазифалар тиббиёт ходимлари зиммасига юкланмоқда. Мазкур вазифаларни амалга оширишда оилавий шифокорлар ва ревматологлар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасини ошириш ва хавф омилларини бартараф этиш ҳамда эрта ташхислашни янада такомиллаштириш, аҳоли орасида бўғим касалликларини камайтириш билан бир қаторда ОАни олдини олиш, ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Roemer F.W. Association of knee OA structural phenotypes to risk for progression: a secondary analysis from the Foundation for National Institutes of Health Osteoarthritis Biomarkers study (FNIH). // Osteoarthritis and cartilage vol. 28,9 (2020): 1220-1228.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнги йилларда жаҳоннинг ривожланган давлатларида ОАни ўрганиш доирасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. ОАнинг ривожланишида генетик, ортиқча тана вазни ва семизлик, ёш ва жинс ҳамда касбга тегишли салбий омилларининг ўрни исботланган (Fernandes F.A., 2017; Ernest R. Vina, Kent Kwoh, 2018). ОАдаги бўғим тоғайидаги дегенератив бузилишлар билан бир қаторда, яллиғланиш жараёнининг бўғим тузилмаларидаги каскадли ўзгаришлардаги ўрни асосланган (Nelson A.E., 2018, Liu X., Machado G.C., Eyles J.P., Ravi V., 2018). Ўтказилган эпидемиологик тадқиқотларида аҳолининг ёши ортган сари ОА учраш даражаси кўпайиб бориши қайд қилинган (Glyn-Jones S., 2015, Vina E.R., Kwoh C.K., 2018).

ОАни эрта даврларида ташхислашда биомаркер ва замонавий рақамли технология текширув усулларининг аҳамияти бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. МРТ орқали тизза бўғими ОАда тоғай деструкцияланиши эрта даврларда аниқланиши исботланган (Алексеева Л.И., Тельшев К.А., 2020). Витамин Д камайишини ОАда субхондрал тоғай ремоделланишидаги ўрни ва уни касалликни авжланишидаги биомаркер сифатида қаралиши баён қилинган (Кабалык М.А., 2017). Коллагеннинг II тури, агрекан ва тоғай олигомер матрикс оксилени (ТОМО) ўзгаришларини ОАда дастлаб кузатиладиган гиалинли тоғай тўқимасини зарарланишидан далолат бериши ҳақида маълумотлар келтирилган (Долгова Е.А., Сороцкая В.Н., Ракита Д.Р., 2012). Қонда ТОМО миқдорининг ортиши тоғайда морфологик жиҳатдан яққол бузилишлар негизида юзага келиши тасдиқланган. Шу билан бир қаторда, ОАнинг дастлабки даврларида бўғим тузилмаларидаги бузилишларга кўра ТОМО даражасининг ўзгариши юзасидан етарли маълумотлар келтирилмаган.

Ҳозирги кунга қадар мамлакатимизда ОАнинг кечиш хусусиятлари, оғирлик даражасини башорат қилишда гаптоглобин фенотиплари, қон гуруҳларининг аҳамияти (Тоиров Э.С., 2020), ОАнинг клиник-генетик хусусиятлари (Бобоев Н.М., 2020), беморларда кузатиладиган иммунологик ўзгаришлар, кальций-фосфор алмашинувининг ОАдаги аҳамиятига (Алиахунова М.Ю., 2019) бағишланган муаммолар бўйича қатор олимлар

илмий тадқиқотлар олиб боришган. Аммо ОАнинг рентген олди босқичларида бўғим тузилмадаги бузилишларга кўра ТОМО даражасининг ўзгариши негизида касалликни эрта ташхислаш ва уни мақсадли даволаш юзасидан илмий адабиётлардаги манбаларда маълумотлар келтирилмаган.

ОАга чалинган беморларнинг бўғим тоғайида деструкциясининг ривожланиши бўғим тузилмаларидаги бузилишларига олиб келиши беморларнинг ҳаёт сифатига салбий таъсир қилишини инобатга олиб, касалликни эрта даврларида аниқлаш ва эрта даволаш амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий тадқиқот ишлари режасига № 011800229 сонли «Ички касалликлар диагностикаси ва даволаш самарадорлигини оширишнинг янги усуллари ишлаб чиқиш» (2019-2022 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади остеоартритга чалинган беморларда бўғим тузилмаларидаги ўзгаришлар ва касалликнинг клиник кечишига кўра тоғай олигомер матрикс оксилени силжиши ҳамда эрта давонинг клиник самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

остеоартритга чалинган беморларда касалликнинг клиник белгилари ва кечишини ретроспектив таҳлил қилиш;

остеоартритга чалинган беморларнинг қон зардобидидаги тоғай олигомер матрикс оксиди даражасини бўғим синдроми кечишига кўра таҳлил қилиш;

остеоартритга чалинган беморларда тоғай олигомер матрикс оксиленинг тизза бўғимининг интраартикуляр тузилмалари шикастланишига кўра ўзгаришини аниқлаш;

остеоартритга чалинган беморларда тоғай олигомер матрикс оксиди даражасига кўра тоғайнинг эрта деструкцияланишини тўхтатишга қаратилган даволашни мувофиқлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳар 3-сон клиник шифохонасида даволанган остеоартритга чалинган 125 нафар беморларнинг проспектив ва 300 нафар беморларнинг касаллик тарихи ретроспектив маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида вена қони ва зардоб, биокимёвий ва асбобий материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш мақсадида умумклиник: визуал аналогли шкала (ВАШ), WOMAC ва Лекен альго-функционал индекслари бўйича бўғим синдроми динамикаси ва Lysholm тизими орқали даволаш самарадорлигини баҳолаш, биокимёвий (тоғайнинг олигомер матрикс оксиди), асбобий (бўғимларнинг ультратовуш текшируви (УТТ), рентгенологик, магнит-резонансли томографияси (МРТ) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

остеоартритда тизза бўғими тоғайининг юзасидаги дефект шаклланиши ва унинг субхондрал суякка нисбатан ўрнашувидаги ўзгаришларни эрта аниқлашда тоғайни хариталаш тизимини ўрни асосланган;

остеоартритда тизза бўғими тоғайининг юзасида 5% дан кичик ҳажмдаги дефект шаклланганда беморлар қон зардобида ТОМО миқдорининг ишончли ортиши исботланган;

остеоартритда ТОМО миқдорининг кенг доирадаги силжишлари негизида бўғим синдроми авжланиши, бўғим букилиш бурчаги ўткирлашуви (150° >) ва беморларда бўғим фаолияти чекланиб бориши аниқланган;

остеоартритнинг илк даврларида ТОМО миқдорини камайтиришга қаратилган даво негизида бўғим тузилмасидаги ўзгаришларнинг ривожланишини камайиши ҳамда бўғим синдроми, унинг функционал имкониятини яхшиланиши ва тизза бўғими букилиш бурчагини (150° гача) кенгайтириши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ОАга чалинган беморларнинг тизза бўғими тоғайининг деструкцияланишини тузилмавий бузилишларнинг авжланишидаги ўрни баҳоланган;

ОАнинг илк даврида тизза бўғими тоғайида кичик ҳажмдаги дефектни аниқлашда беморларнинг қон зардобида ТОМО даражасининг аҳамиятли томонлари шакллантирилган;

ОАга чалинган беморларда ТОМО даражасига кўра тизза бўғими тузилмавий бузилишларнинг клиник хусусиятлари негизида ташхислаш имконини берувчи кўрсаткичлар таҳлилий жиҳатдан умумлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотни амалга оширишда қўлланилган барча ёндошувлар, олиб борилган тадқиқотда фойдаланилган усулларнинг кенг ахборот бериш имкониятига эга эканлиги, назарий ва амалий жиҳатдан аниқлиги, тадқиқот объектларининг етарлилиги, замонавий ташхислаш усулларнинг қўлланилганлиги, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, анамнестик, биокимёвий, инструментал ҳамда статистик усулларга таянганлиги, олинган маълумотларга замонавий компьютер технологиялар ёрдамида ишлов берилганлиги, шу билан бирга, тадқиқот давомида олинган натижаларнинг маҳаллий ва ҳорижий илмий изланишлар билан солиштирилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти ОАда бўғим тузилмаларидаги бузилишлар негизида ТОМОнинг даражасига қаратилган ёндошув касалликни эрта рентгенолди даврларида ташхислашга имкон берувчи манбаа сифатида хизмат қилиши ҳамда бўғим тоғайи деструкциясини илк босқичларида бўғим синдроми хусусиятларини ўзига хослиги ва касалликни кечишида башорат бериш имконининг яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ОАни эрта ташхислашда беморлар қон зардобида ТОМО даражасини аниқлаш билан бирга бўғим тоғайи деструкцияланишини тўхтатишга қаратилган даво усулининг устувор

томонларига эгаллиги беморларда эрта ногиронликни олдини олиш ва ҳаёт сифатини яхшиланишига замин яратиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ОАда бўғим тузилмаларидаги бузилишларни эрта аниқлашда ТОМОнинг ўрни ва даволашнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган:

ОАда тоғайнинг эрта деструкциясини аниқлаш усули бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Остеоартритни эрта аниқлаш усули» мавзусидаги услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 14 июндаги 8 н-з/191 – сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи ва иккиламчи бўғинида фаолият юритиб келаётган оилавий шифокор ва ревматологларга мўлжалланган бўлиб, ундаги тавсиялар ОАда бўғим тоғайида ривожланган деструкцияни эрта ташхислаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

ОАда тоғайнинг эрта шаклланган деструкциясини даволаш усули бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Остеоартритга чалинган беморларда тоғай олигомер матрикс оксили динамикасига қаратилган даволаш усули» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 14 июндаги 8 н-з/191 – сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада берилган тавсиялар ОАнинг эрта босқичларида даволаш бўғим тузилмаларидаги яққол бузилишларни олдини олиш имконини берган;

ОАга чалинган беморларда тоғайнинг эрта деструкциясини ташхислаш ва уни даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан Тошкент шаҳар 3-сон клиник шифохонасида ҳамда Тошкент тумани 22-қишлоқ оилавий поликлиникаси клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 25 декабрдаги 08-09/20 874-сонли маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши йил давомида 32% гача бўғимдаги муаммолар юзасидан ОА чалинган беморларнинг шифокорга мурожаати камайиши ҳамда шифохонада даволаниш эҳтиёжи ва меҳнатга яроқсизлик кунларни камайиши, моддий сарф-ҳаражатларнинг қисқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 3 таси Республика ва 1 таси хорижий, 2 таси Scopus базасига кирган журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Остеоартритнинг этиопатогенетик ва ташхислаш жиҳатлари ҳамда замонавий терапевтик ёндошувнинг ўзига хослиги**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Унда ОАнинг эпидемиологик ва этиопатогенетик хусусиятлари, патоморфологик ўзгаришлар асосида ТОМО юзасидан маълумотлар кенг ёритилган. ОАнинг ривожланишида бўғим деструкциясига олиб келувчи хавф омиллари ҳамда коморбид ҳолатларнинг касаллик ривожланишидаги ўрни келтирилган. Эрта ОАни ташхислаш усулларининг ўзига хос томонлари, клиник кечиш хусусиятлари, даволашдаги замонавий ёндошувлар, амалиётдаги камчилик ва муаммоларга эътибор қаратилган.

Диссертациянинг «**Остеоартритга чалинган беморлар клиник материали ва қўлланилган тадқиқот усулларининг умумий тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот дизайни ва усуллари, клиник материалнинг умумий белгилари, беморларнинг тавсифи, умумий ҳамда махсус текширувлар ва уларнинг натижаларини статистик ҳисоблаш тавсифланган. ОАга чалинган беморларда бўғим деструкциясига олиб келувчи омиллар ва ТОМОни аниқлаш мақсадида анамнестик ва физикал аниқланган маълумотлар, бўғим деструкцияси даражаси, умумклиник, биокимёвий, асбобий текширувлар ва қўлланилган дори воситалари таҳлиллари ўрганилган. Тадқиқотнинг биринчи босқичида ретроспектив таҳлил мақсадида 2015-2019 йилга қадар 3-сон шаҳар клиник шифохонасида ОА ташхиси билан стационар даволанган 300 нафар беморлар касаллик тарихномаси ва амбулатор карталари таҳлил қилинган.

Илмий ишнинг иккинчи проспектив босқичида 40 ёшдан ошган тизза бўғими ОА ташхиси тасдиқланган 125 нафар беморларда касалликнинг клиник кечиши ва лаборатор ҳамда асбобий текширувлари мақсадли кўриги амалга оширилган. Бунда беморлар тўртта гуруҳга бўлинган: I гуруҳга рентгенологик ўзгаришлар аниқланмаган, яъни 0-босқичидаги $48,2 \pm 5,1$ ёшдаги ($n=46$); II гуруҳга ОА рентгенологик ўзгаришининг I-босқичидаги $50,1 \pm 5,3$ ёшдаги ($n=26$); III гуруҳга ОА рентгенологик ўзгаришининг II-босқичидаги $52,4 \pm 4,5$ ёшдаги ($n=28$) ва IV гуруҳга ОА рентгенологик ўзгаришининг III-IV босқичидаги ўртача $54,5 \pm 3,4$ ёшдаги беморлар ($n=25$) ҳамда назорат гуруҳига 20 нафар $48,6 \pm 7,3$ ёшдаги соғлом шахслар жалб этилган.

Кейинги ўринда, қўлланган даво тактикаси негизида тизза бўғими бирламчи ОАга чалинган, 41-53 (ўртача 48,3±3,7) ёшдаги, ўртача давомийлиги 1,6±2,1 йилни ташкил қилган 70 нафар беморлар жалб қилиниб, улардан **назорат гуруҳга** анъанавий даво бўйича (6 ой мобайнида хондропротектор гуруҳидаги хондроитин сульфат 1000 мг кунига per os, жисмоний машқлар терапияси (ЖМТ) ва хавф омилларига қаратилган тавсиялар) даволанган ОАга чалинган 49,1±3,2 ёшли беморлар (n=33) кирган. **Асосий гуруҳ** учун ТОМО динамикаси ва бўғим тузилмалари ўзгаришига қаратилган даволаш усул бўйича даволанган ОАга чалинган 48,3±3,5 ёшдаги беморлар (n=37) танланган. Бунда, анъанавий даво негизида қўшимча ОАнинг рентгенологик босқичи ва бемор ёшига кўра гарпагофитумни (Суставин) per os алгоритм асосида (250-750 мг) буюрилган.

ОАни ташхислашда Америка ревматологлари коллегияси ва Европа антиревматик лигасининг (ACR)/EULAR) мезонларидан фойдаланилди. Бўғим синдроми ва фаолияти ВАШ, Лекен ва WOMAC индекслари ҳамда Lysholm баҳолаш тизими ва уларнинг динамикадаги ўзгаришлари асосида баҳоланди; бўғим тузилмаларидаги ўзгаришлар тизза бўғимларининг рентгенологик ва МРТ, УТТ усулларида баҳоланди. Тизза бўғими тоғайидаги шаклланган дефектлар ва деструкцияларни аниқлашда МРТ маълумотлари асосида тоғай хариталаш тизими ва таҳлил учун BLOKS/MOAKS бўйича ҳисоблаш тизимидан фойдаланилди. Тизза бўғимидаги ҳаракатлар ҳажми гониометрия текшируви ва динамикадаги ўзгаришлар асосида ўрганилди. ТОМО даражаси иммунофермент усулида (ELISA, Россия) ўрганилди.

Олинган натижалар таҳлили учун STATISTICA (StatSoft, 6,1-8,0 версияси, АҚШ) дастурий пакетидадан фойдаланган ҳолда олиб борилган.

Диссертациянинг «**Остеоартритнинг бўғим тузилмаларидаги бузилишларга кўра бўғим синдромининг ўзига хослиги**» деб номланган учинчи бобида ОА билан касалланган беморларда мазкур касалликнинг кечиш хусусиятлари, хавф омилларига оид ретроспектив ва проспектив кузатув натижалари келтирилган.

ОАга чалинган 300 нафар беморларни ретроспектив тарзда гендер мансублигини ўрганишда аёллар—211 (70,3%), эркеклар эса—89 (29,7%) нафарни ташкил этиб, бунда аёлларнинг ўртача ёши 48,6±8,57, эркекларда эса 54,6±6,54 ёшни ташкил этган. Демак, ОАнинг эркек/аёл нисбати 1:2,3 га тенг бўлиб, эркеклар орасида ОА кечроқ ривожланишидан далолат беради.

Ретроспектив таҳлилда 156 нафар ОА га чалинган беморларнинг рентгенограммаси ўрганилган бўлиб, уларнинг умумий ўртача ёши 53,1±11,2 йилни ташкил қилиб, касаллик ўртача 4,5±1,9 йил давомийликка эга бўлган.

ОАнинг рентгенологик I-босқичи эркекларда 42,6% ҳолатда учраб, аёллардан ишончли фарқланган. Ўз навбатида, IV-босқич аёлларда аксинча устун келиб, 47,1% беморда аниқланган. Демак, аёлларда ОАда бўғим тузилмасидаги ўзгаришлар яққоллиги билан ажралиб туради.

Кўрсатиш лозимки, ОАга чалинган аёлларнинг 70,6% улушида рентгенологик ўзгаришларнинг III-IV-босқичлари эрта қайд этилган. Бунда, I-расмда келтирилганидек, 33,3% ҳолати аёлларнинг 41-50 ёшига ҳамда


38,9% улуши 41-50 ёшидаги ОА нинг III ва IV босқичида бўлишган. Ўз навбатида, эркакларда III-IV-босқичлари беморлар ёши ортган сари аксинча кўпайиб борган. Шу ўринда айтиш жоизки, ўз вақтида тегишли даво чоралари ўтказилмагани оқибатида аёлларда ОАнинг кечки босқичлари эрта шаклланган. Демак, аёлларда бўғимни эндопротезлашга кўрсатма эрта ёшлари билан фарқланади.

Ўз навбатида, 156 нафар беморнинг тизза бўғими рентген тасвирида эпифизар остеопороз 96,8% ва кистозли белгилар 21,4% ҳолатларда шаклланганлиги кўринган. Бўғим тирқиши торайиши 64,7% беморларда аниқланган, остеосклероз эса 56,4% ҳолатда топилган. Остеофитоз эса беморларнинг 1/3 улушида кузатилган. Шу билан бир қаторда, периостит 21,1% беморларда учраган.

Шундай қилиб, ОАда бўғим синдроми жараённинг локализацияси ва зарарланган бўғимлар сонига кўра турлича кечади ва аёлларда эркакларга нисбатан бўғим тузилмасидаги ўзгаришлар ҳамда функционал фаолияти имконияти чегараланишини яққоллиги фарқланиб, уларнинг 70,6% улушида рентгенологик III-IV-босқичлар эрта шаклланади.

Ретроспектив таҳлилнинг кейинги маълумотларида коморбид ҳолатлар баҳоланганда, ОАга чалинган 300 нафар беморлар орасида семизлик, АГ ва ЮИК нинг энг кўп учраганлиги, кейинги ўринда эса сурункали холецистит, гастрит ва қандли диабет (ҚД) ҳолатлари қайд этилган. Жинсларга ажратилган ҳолда ёндош касалликлар таҳлилидан маълум бўлдики, ОАга чалинган эркакларда аёлларга нисбатан ЮИК 10,2%га, АГ 11,9%га, ҚД эса 4,4% га кўпроқ кузатилган.

Коморбид ҳолатга кўра ОАнинг рентгенологик босқичларининг учраш спектрини алоҳида ўрганиш олинган маълумотларга кўра, коморбидликни кўшиб борилиши негизида ОАга чалинган беморлар бўғим тузилмасидаги ўзгаришлар кескинлашиб борган. Беморларда коморбидликнинг сони ошиши ОАнинг рентгенологик ўзгаришларнинг III ва IV босқичлар учраш даражаси кўтарилиши билан бирга келган. Бунда, 1 та коморбидлик ҳолатида рентгенологик III-босқич 14,6% ва IV-босқич 18,8% ни ташкил қилган бўлса, 4 та коморбидлик ҳолатида эса рентгенологик III-босқич 27,5% ва IV-босқич 57,5% ҳолатда учраган.



1-расм. ОА ташхисли беморларда рентгенологик III-IV босқичларни бемор ёшига кўра тақсимланиши.

Изоҳ: * – статистик натижаларнинг ишончлилик даражаси, жинслар ўзаро нисбатида ҳисобланган.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида ОАга чалинган 125 нафар беморларнинг проспектив таҳлили негизида тизза бўғими зарарланиши, яъни унинг тузилмасидаги ўзгаришларининг клиник хусусиятларининг ўзига хослигини ўргандик. Бунда рентгенологик босқичлардаги ўзгаришлар асосида бўғим синдроми хусусиятларини типик кўринишларни ажратишга урғу бердик. Шундай экан, 4 та гуруҳга ажратилган тизза бўғими ОА беморларда клиник манзарасини баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

1-жадвал

ОАга чалинган беморларда бўғим синдроми


Бўғим синдроми	I гуруҳ n=46	II гуруҳ n=26	III гуруҳ n=28	IV гуруҳ n=25	P
Дефигурация, %	82,6	92,3	100	100	>0,05
Шиш, %	52,2	76,9	78,6	76	>0,05
Гипертермия, %	8,7	26,9	32,1	32	<0,05 ^{*#&}
Яққол қирсиллаш, %	0	0	14,3	100	<0,001 ^{&^} <0,02 [@]
Харакат чекланиши, %	30,4	73,1	89,3	100	<0,05 ^{*#} <0,02 ^{&}
Контрактура, %	0	0	0	28	<0,05 ^{&^@}
Деформация, %	0	0	0	96	<0,001 ^{&^@}
Оғрик, ВАШ, мм	69,3±1,9	73,8±2,5	78,1±2,9	85,7±3,3	>0,05
Эрталабки қарахтлик, дақ.	6,1±1,1	7,5±1,3	9,4±1,7	8,6±1,9	>0,05

Изоҳ: p – фарқликнинг ишончлик даражаси: бунда, * - I ва II гуруҳлараро; # - I ва III гуруҳлараро; & - I ва IV гуруҳлараро; \$ - II ва III гуруҳлараро; ^ - II ва IV гуруҳлараро; @ - III ва IV гуруҳлараро.

Олинган натижаларга кўра, тадқиқотга жалб қилинган беморларда бўғим синдром кенг доирадаги белгиларда келган. 1-жадвалдан кўриниб турибдики, тизза бўғимида дефигурация ва шиш ҳатто ОАнинг рентген олди даврида (I гуруҳ) кузатилган (82,6% ва 52,2% мос равишда) бўлиб, гуруҳлар ўртасида статистик аҳамиятга эга бўлган фарқликлар ($p > 0,05$) аниқланмаган. Ўз навбатида, бўғимда гипертермия кўрсаткичи бўйича I гуруҳ камроқ учраган (8,7%) ва бошқа гуруҳлардан ишончли равишда ($p < 0,05$) фарқланган. Табиийки, сезиларли даражадаги структурали ўзгариш билан кечадиган ОАнинг III-IV босқичи (IV гуруҳ) яққол қирсиллаш белгиси мавжудлиги билан бошқа гуруҳлардан ($p < 0,001$) ажралиб турган. Шу билан бир қаторда, деформация ҳамда контрактура каби бўғимдаги белгилар ҳам фақат IV гуруҳда ($p < 0,001$ ва $p < 0,05$ мос равишда) аниқланган. ОАнинг рентген олди даврида бошқа рентген босқичларидан ишончли даражадаги фарқли равишда бўғимда ҳаракат чекланиш ҳолати кам учраши билан фарқланган. Бунда 1-жадвалда кўриниб турганидек, у I гуруҳда 30,4%, II гуруҳда 73,1%, III гуруҳда 89,3% ва 100% ҳолатда IV гуруҳда учраган.

Маълумки, тизза бўғимини букилиш ва ёйиш имкониятлари бўғим тузилмасидаги тўқималарнинг хусусиятларига боғлиқдир. Шу жумладан, тоғай сифати, яъни унинг юзаси оёқ тизза бўғимининг букилишида муҳим ўрин эгаллайди. Ваҳоланки, тоғайда шаклланган дефект ва деструкция тизза

бўғими букилиш бурчакларига ўз таъсирини кўрсатади ва қолаверса, жараённинг кейинги босқичлари мазкур имкониятни чегаралаб боради. Тизза бўғимида ўтказилган гониометрик текширув гуруҳлар ўртасида яққол фарқликлар борлигидан далолат берган. 2-расмда кўрсатилганидек, соғлом шахслар кўрсаткичига нисбатан букилиш бурчаги I гуруҳда ишонарли даражада ($p < 0,05$) ўткирлашган.



2-расм. ОАга чалинган беморларда тизза бўғимини букилиш имконияти (гониометрия асосида бурчак ўлчами); I гуруҳ – яшил рангли чизма; II гуруҳ – сарик рангли чизма; III гуруҳ – ҳаво рангли чизма; IV– сиёҳ рангли чизма; соғломлар – қизил рангли чизма.

Ўз навбатида, тизза бўғими ОАнинг кейинги босқичлари, яъни тузилмадаги бузилишлар кескинлашиб бориши негизида букилиш бурчаги ўткирлашиб борган. Бунда у III гуруҳда I гуруҳга нисбатан 31° га фарқ қилган ($p < 0,05$). Демак, тизза бўғими тоғайини илк даврларидан деструкцияланиши тизза бўғимининг букилиш имкониятини чегараланишига олиб келади. Шу билан бир қаторда, бўғим тузилмасидаги ўзгаришларнинг, яъни бўғим функционал имкониятлари чегараланиши бемор ҳаёт фаолиятига таъсири ўрганилди. Булар ичида Лекен альгофункционал индекси таҳлил қилинганда яққол фарқликлар аниқланган. 2-жадвалда кўриниб турганидек, у рентгенологик босқичларга нисбатан турли даражада бўлган. Айниқса, IV гуруҳ I гуруҳдан ($p < 0,02$) фарқланган.

Бўғимдаги бузилишлар, яъни тизза бўғимидаги рентгенологик ўзгаришлар кескинлашиши сари WOMAC-индекси ҳам ошиб борган. 2-жадвалдан кўриниб турганидек, гуруҳлар ўртасида статистик аҳамиятли фарқликлар бўлган. Тизза бўғимини функционал имкониятларини “Lysholm бўйича баҳолаш” (ЛББ)да бўғимни блоккланиши, оғриқ ва шиш юзага келиш вазиятлари ҳам инobatга олинган бўлиб, бунда I гуруҳда ЛББ $67,2 \pm 2,51$ баллни, II гуруҳда $73,86 \pm 3,7$ баллни ташкил этган. Ўз навбатида ЛББ III ва IV гуруҳларда ортиб бориб, мос равишда $79,1 \pm 3,8$ ва $84,4 \pm 4,2$ баллга тўғри келган. Кўриниб турибдики, бу кўрсаткичлар бўғим тузилмасидаги ўзгаришлар кучайиб бориши негизида ортиб борган ($p < 0,05$).

**Тизза бўғими ОАга чалинган беморларда бўғим фаолияти
имкониятлари кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	I гуруҳ n=46	II гуруҳ n=26	III гуруҳ n=28	IV гуруҳ n=25	p
Лекен индекси, балл	9,3±0,7	10,4±0,8	12,3±1,1	14,2±1,3	<0,02 ^{&} <0,05 ^{#^}
WOMAC-индекси, балл	43,8±3,1	56,9±4,4	66,2±4,1	78,6±3,8	<0,05 ^{#^} <0,001 ^{&}
Lysholm бўйича баҳолаш, балл	67,2±2,51	73,86±3,7	79,1±3,8	84,4±4,2	<0,05 ^{#&^}

Изоҳ: p – фарқликнинг ишончлик даражаси: бунда, * - I ва II гуруҳлараро; # - I ва III гуруҳлараро; & - I ва IV гуруҳлараро; \$ - II ва III гуруҳлараро; ^ - II ва IV гуруҳлараро; @ - III ва IV гуруҳлараро.


Шундай қилиб, ОАда бўғим тузилмаларидаги ўзгаришлар негизида турли клиник кўриниш ва даражадаги бўғим синдроми кузатилиб, бўғим функционал имкониятлари чегараланиб боради. Бунда тизза бўғими ОАнинг рентгенологик 0-босқичидан бошлаб тизза бўғимининг тўлиқ букилиш бурчагини (150°>) ўткирлашуви кузатилади.

Маълумки, ОАнинг 0- ва қолаверса, I-босқичида тоғайдаги деструкцияни рентгенографик текширув орқали аниқлаш эҳтимоли суст, ва бундай вазиятда предиктор бўлган омилни ажратиб олиш ташхислаш учун муҳим.

Шундай экан, беморларда (n=125) тизза бўғими рентген тасвирларда аниқланган белгиларнинг ўзаро қўшилиб келиш даражасини ўрганишга қаратиб, 4та вариантдаги рентгенологик кўринишни аниқладик. Бунда, 3-расмдан кўриниб турибдики, I кўриниш фақат эпифизар остеопороз ва бошқа белгилар аниқланманган ҳолат билан изоҳланиб, 36,8% беморда аниқланган.

II кўриниш эса эпифизар остеопорозга бўғим тирқишининг торайиши кўшилган вазият бўлиб, у 30,4% беморда кузатилган. Кейинги III кўринишда эса юқоридаги белгиларга остеосклероз кўшилган ва бу 23,2% беморда аниқланган. Ўз навбатида, IV кўринишда юқоридаги белгиларга остеофитоз кўшилган бўлиб, 9,6% ни ташкил қилган.

Шу билан бир қаторда, тизза бўғими тузилмалардаги ўзгаришларни УТТ орқали амалга оширилди ва МРТ орқали олинган натижаларни гуруҳлар ўртасида фарқликларни ўргандик. Бунда синовит I гуруҳ беморларида учрамаган ва IV гуруҳда бошқа гуруҳлардан 3-4 баробар кўп аниқланган (p<0,05) ва у 68% ҳолатда аниқланган. Лигаментозни учраши бўйича II ва III гуруҳлар ўртасида (p>0,05) фарқлик статистик аҳамиятга эга бўлмаган, бироқ I гуруҳ улардан ишончли равишда (p<0,05) фарқланган ҳамда у IV гуруҳдан 8 баробар кам (p<0,01) учраган. Ўз навбатида, субхондрал склероз каби ўзгаришлар ҳам I гуруҳ беморларида бошқа гуруҳларидан фарқли равишда (p<0,05) учрамаган.



3-расм. ОАга чалинган беморларда тизза бўғими рентгенографиясидаги кўринишлар.

Тадқиқот ишига жалб қилинган ОАга чалинган беморлар тизза бўғими УТТда аниқланган маълумотларга кўра, субхондрал суякдаги ўзгаришлар асосан IV гуруҳда қайд этилган. Бунда, суяк нотекислиги ва суяк юзасида ўсимталар ($p < 0,0001$) кўринишида бўлган ва булар якқол остеофитоз мавжудлигидан далолат беради. Ўз навбатида, остеокистоз I ва II гуруҳларда учрамаган ва 44% ҳолатда IV гуруҳ беморларда ($p < 0,05$) аниқланган. Шу билан бирга, шу гуруҳ беморларида мениск шохларини ўзгариши кўп учраши (76%) билан бошқа гуруҳлардан фарқланган. Бўғим тузилмасидаги бузилишлар негизида Хондром ва Гофф таначалари ҳамда Бейкер кистаси шакланган ва IV гуруҳда булар ($p < 0,05$) устун келган. Айтиш лозимки, ОАнинг 0-рентгенологик босқичидаги беморларда улар умуман аниқланмаган.

Олинган натижаларга кўра, ОАнинг рентгенологик босқичлари ошган сари тоғайдаги анатомик ўзгаришлар ривожланиб борган. ОАнинг 0-босқичидаги беморларининг катта-болдир суягининг ички қисмидаги тоғай қалинлиги соғлом шахсларга нисбатан I гуруҳда юққолашиб ($2,5 \pm 0,02$ мм), улардан ишонарли даражада ($p < 0,05$) фарқланган. II гуруҳда соғлом шахсларнинг тоғай қалинлиги $2,1 \pm 0,01$ ммгача ($p < 0,05$) юққолашган бўлса, III гуруҳда эса 2 баробар ($p < 0,01$) камайган ва қолаверса, IV гуруҳда якқол юққолашган ва $0,5 \pm 0,04$ ммни ($p < 0,002$) ташкил қилган.

Шундай қилиб, тизза бўғими ОА рентгенологик ўзгаришларнинг гетерогенлиги билан тавсифланиб, тоғайдаги деструкцияланиш негизида субхондрал суякдаги ўзгаришлар авжланиб боради. ОАнинг рентгенологик 0-босқичида тизза тоғайининг қалинлиги юққолашуви кузатилади ва бўғим тузилмасидаги ўзгаришлар ортган сари у якқол ўзгариб боради.

ОАда бўғимдаги илк ўзгаришлар тоғайдаги дефектлардан бошланиши МРТ орқали тизза бўғимининг тоғайини хариталаш ҳамда у орқали баҳолаш илмий қизиқиш уйғотади. Шунинг учун таҳлил учун BLOKS-MOAKS тизими бўйича ҳисоблаш бу мақсадни амалга оширишда муҳим ўрин эгаллайди.

Хариталаш орқали олинган натижаларга кўра, ОАга чалинган беморларнинг барчасида, яъни 100% ҳолатда тизза бўғими тоғайида турли даражадаги ўзгаришлар аниқланган. Бундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, тоғайида кичик дефект шаклланганда МРТ юқори сезгирликдаги даражада ОАни эрта ташхислаш имконини яратади. Дарҳақиқат, бўғим тоғайи субхондрал суякка ўрнашувига нисбатан бўйича ўзгаришлар аниқланмаган вазият, лекин унда 5%дан кам бўлган дефект ОАнинг 0-босқичи, яъни I гуруҳ беморларининг 19,2% улушида кузатилган. Тоғайни тегишли суякка нисбатан тўлиқ ўрнашув майдонини 5%га камайган ҳолати 8,8% беморларда учраган. Шу билан бир қаторда, тоғайни тегишли суякка нисбатан ўрнашув майдони тўлиқ йўқотилмаган, лекин дефектлар ўлчами 5–15% бўлган вазият ҳам 8% беморларда топилган. Шу ўлчамдаги дефект ва тоғайни тегишли суякка нисбатан ўрнашув майдонини йўқотилиши 5% кам бўлган ҳолат ҳам 11% беморларда кузатилган.

Шундай қилиб, МРТ орқали хариталаш тизимини қўлланилиши ОАда тизза бўғимдаги кичик хажмдаги тоғайдаги ўзгаришлари, унинг эрта деструкциясини, яъни ундаги шаклланган 5% кам бўлган кичик дефектни аниқлашга имкон беради.


Тадқиқот натижалари ОАга чалинган беморларда бўғим синдроми жараённинг локализацияси ва зарарланган бўғимлар сонига кўра турлича кечади ва аёлларда эркакларга нисбатан бўғим тузилмасидаги ўзгаришлар ҳамда функционал фаолияти имконияти чегараланишини яққоллиги фарқланиб, уларнинг 70,6% улушида рентгенологик III-IV-босқичлари эрта шаклланади. ОАда бўғим тузилмаларидаги ўзгаришлар негизида турли клиник кўриниш ва даражадаги бўғим синдроми кузатилиб, бўғим функционал имкониятлари чегараланиб боради. Бунда тизза бўғими ОАнинг рентгенологик 0-босқичидан бошлаб тизза бўғимининг тўлиқ букилиш бурчаги (150°) ўткирлашуви кузатилади. Тизза бўғими ОА рентгенологик ўзгаришларнинг гетерогенлиги билан тавсифланиб, тоғайдаги деструкцияланиш негизида субхондрал суякдаги ўзгаришлар авжланиб боради. ОАнинг рентгенологик 0-босқичида тизза тоғайининг қалинлиги юпқалиши кузатилади ва бўғим тузилмасидаги ўзгаришлар ортган у яққол ўзгариб боради. Шу билан бир қаторда, МРТ орқали хариталаш тизимини қўлланилиши ОАда тизза бўғимдаги кичик хажмдаги тоғайдаги ўзгаришлари, унинг эрта деструкциясини, яъни ундаги шаклланган 5% кам бўлган кичик дефектни аниқлашга имкон беради.

Диссертациянинг «Остеоартритда бўғим тузилмалари ўзгаришларида тоғайнинг олигомер матрикс оксиди (ТОМО)» деб номланган тўртинчи бобида ОАга чалинган беморларда ТОМО кўрсаткичларининг ОА клиник кечиши ва давомийлигига кўра ўзгариши, тоғайни деструкциясини аниқлашда ТОМОнинг сезувчанлигини баҳолаш ҳамда даволашнинг клиник самарадорлигига оид натижалар кўрсатилган.

Маълумки, ОАнинг эрта даврлари, яъни рентгенологик ўзгаришларнинг 0-босқичи ва бўғим синдроми эрта ташхислаш муҳим аҳамиятга эга. Юқорида таъкидлаганимиздек, хариталаш таҳлили ОАда дастлаб бўғим

тоғайининг кичик дефекти юзага келганда уни аниқлаш имконини беради. Холбуки, ОАда тоғайда бошланган дегенератив ўзгаришларни эрта аниқлаш касалликни ташхислашда амалий аҳамият касб этади. Қолаверса, касалликни эрта даврларидан аниқлаш, тоғайдаги дефектни авжланишини қайтаришга қаратилган даволашни эрта бошлашга туртки бўлади. Бунинг учун, ОАга чалинган беморлар қон зардобида ТОМО миқдорини текшириш бу масаланинг ечимида муҳим ўрин эгаллайди. Ваҳоланки, беморлар қон зардобида ТОМО миқдорининг ошиб бориши, бўғим тоғайидаги бузилишлардан далолат беради. Шунинг учун, илмий ишга жалб қилинган ОА ташхисли беморларнинг қон зардобида ТОМО миқдори баҳоланди.

Илмий ишдан олинган натижаларимизга кўра, тизза бўғимидаги рентгенологик ўзгаришларнинг барча босқичларида ОА ташхисли беморларнинг қон зардобида ТОМО миқдорининг соғлом шахслар кўрсаткичига нисбатан ошган ($p < 0,05$). Лекин, гуруҳлар ўртасида ТОМОнинг миқдори бўйича маълум даражадаги фарқликлар аниқланган. Соғломларда ТОМО миқдорининг умумий кўрсаткичи $803,8 \pm 22,1$ нг/мл бўлган бўлса, унга нисбатан ишонарли даража I гуруҳда $1909,1 \pm 122,1$ нг/мл ($p < 0,05$), II гуруҳда $2122,5 \pm 92,6$ нг/мл ($p < 0,02$), III гуруҳда $2495,8 \pm 90,2$ нг/мл ($p < 0,02$) ва IV гуруҳда $1591,3 \pm 78,6$ нг/мл. гача ($p < 0,05$) ошган (4-расм).




4-расм. ОАда рентгенологик босқичига кўра ТОМО миқдорини ўзгариши. * - ишончлилик даражаси, соғломларга нисбатан.

Демак, ОА рентгенологик ўзгаришларининг 0-босқичидан то II босқичигача, яъни тоғайда парчаланиш жараёни зўрайиб борган сари ТОМО миқдори ошиб боради. Шу билан бир қаторда, кўрсатиш лозимки, бўғим тузилмасида яққол ўзгаришлар, яъни ОА рентгенологик ўзгаришларининг III- IV босқичларида ТОМО миқдорини камайиши кузатилади, лекин соғлом гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан баландлигича қолади.

Маълумки, касаллик давомийлиги ортган сари патологик жараён авжланади. Шу жумладан, ОАдаги тоғай деструкцияси ривожланган сари

бўғимдаги ремоделланиш зўрайиб боради. Дархақиқат, 5-расмда кўрсатилганидек, ОАнинг давомийлиги ошиб бориши негизида ТОМО миқдори кўрсаткичи кўтарилиб борган.



5-расм. ОАнинг давомийлигига кўра ТОМО миқдорини динамикаси (n=125).

Айниқса, касаллик давомийлиги 12-24 ойга эга бўлган беморларда ТОМО энг юқори бўлган ($3251,2 \pm 167,7$ нг/мл) ва касаллик бошланғич даврига нисбатан деярли 1,5 баробар ($p < 0,05$) фарқланган. Қизиғи шундаки, касалликнинг 48-ойидан бошлаб ТОМО миқдорини камайиши кузатилган ($1654,3 \pm 107,2$ нг/мл) ва унинг энг юқори чўққига эга бўлган кўрсаткичга нисбатан 2 баробар камайган ($p < 0,02$). Қолаверса, гуруҳлар ўртасида касаллик давомийлигига нисбатан ТОМО таҳлил қилинганда ҳам, ОАнинг рентгенологик III-IV босқичларида (IV гуруҳ) унинг миқдори 48 ойдан кейин бошқа даврларга кўра кичик кўрсаткичи ($1643,7 \pm 102,3$ нг/мл) билан фарқланган (3-жадвал).

3-жадвал

ОАда рентгенологик босқичига кўра ТОМО миқдорини ўзгариши

Гуруҳлар					
Назорат гуруҳи (n=20)	803,8±22,1				
Давомий-лиги	I гуруҳ (n=46)	II гуруҳ (n=26)	III гуруҳ (n=28)	IV гуруҳ (n=25)	p
0-6 ой	1914,5±99,2	-	-	-	-
6-12 ой	2218,2±122,4	2443,9±118,3	-	-	>0,05
12-24 ой	2863,3±112,5	3652,1±122,1	3915,2±132,6	-	<0,05 ^{I-III}
24-36 ой	-	2932,5±132,2	3021,8±105,2	1893,8±92,8	<0,05 ^{II-III} <0,05 ^{III-IV}
36-48 ой	-	-	-	1777,2±114,2	-
48 ой >	-	-	-	1643,7±102,3	-

Изоҳ: p - фарқликнинг ишончлилик даражаси.


Шундай қилиб, ОАнинг дастлабки босқичлари, яъни тоғайни парчаланиши бошланганда беморларнинг қон зардобида ТОМО миқдори ошади ва жараён авжланган ҳамда давом этган сари унинг миқдори ортиб боради.

ОА негизида кузатиладиган бўғим тузилмалардаги ўзгаришлар ўзига хос бўлган клиник кўриниш, яъни бўғим синдроми билан кечади. Юқорида кўрсатилганидек, беморлар қон зардобида ТОМО миқдори бўғим тоғайидаги

парчаланишлар зўрайган сари ортиб боради. Ўз навбатида, ТОМОнинг бўғим тузилмалари ўзгариши негизида клиник хусусиятлар таҳлили маълум хулосалар қилишга сабаб бўлди.

Маълумки, тоғайдаги дегенератив ўзгаришларга жавобан маҳаллий яллиғланиш жараёни кузатилади. Ваҳоланки, бу вазият дегенератив ва яллиғланиш жараёнларини ўзаро авжланишига олиб келади. Шундай экан, ТОМОнинг миқдори бу жараёнлар негизида ўзгаришини баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун тадқиқотнинг кейинги қадамида ТОМО миқдори силжишларига нисбатан ОАнинг бўғим тузилмасидаги ўзгаришлари ва клиник кечиши ўрганилди.

